

8-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

4-вариант

№ 1. Олмош қатнашмаган гапни аниқланг.

- а) Малика жуда хушёр қиз эди. б) Ҳамма ҳашарга жўнади.
в) Ўзимиз қурдирган бинолар бу. г) Бизнинг ҳовлимиз жуда катта.

№ 2. Равишли бирикмани кўрсатинг.

- а) кинони кўриш б) китобдан ёдлаш
в) баланд уй г) жуда кам

№ 3. Қуйидаги гапда эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

Билган билганин ишлар, билмаган бармоғини тишлар.

- а) отлашган сифатдош билан б) от билан
в) отлашган сифат билан г) феъл билан

№ 4. Содда феъл кесимни белгиланг.

- а) мард б) билинар
в) ирғиб г) ўрнидан

№ 5. Тўлиқ гапни белгиланг.

- а) Ҳа, сиз учун.
б) Мен учун-а?
в) Мен узоққаи деб ташвишланган эдим.
г) Нега?

№ 6. Қайси гапда олмошлар берилган.

- а) Тоғ этагига қараб йўл олдик. б) Куёш қизариб ботди.
в) Элда бори- сенда бор. г) Қушлар тинимсиз сайради.

№ 7. Шарт майлидаги феълни белгиланг.

- а) ёзса б) ўқисин
в) ўйнади г) борай

№ 8. Мақсад майлидаги феълни белгиланг.

- а) кетмоқчи б) ёзса
в) кетсин г) санаяпти

№ 9. Гапдаги феъл қайси нисбатда берилган?

Шаҳзода Феруз тахтга чиққан дастлабки кундаёқ халқ қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлди.

- а) биргалик нисбат б) аниқ нисбат
в) мажхул нисбат г) ўзлик нисбат

№ 10. Равиш ясовчи қўшимчалар қаторини белгиланг.

- а) -гич, -чи, -к, -ик б) -чи, -кор, -паз
в) -ча, -часига, -она, -лай г) -ла, -сира, -а, -ай

№ 11. Қайси қатордаги гапда тақлид сўз иштирок этганини аниқланг.

а) Эҳ, тоғ халқининг тўйини кўрмабсиз.

б) Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади.

в) Япроқлар тўкила бошлади.

г) О, қандай бахтли инсонман!

№ 12. Қуйидаги гапдан эга ва кесим вазифасида келган сўзни аниқланг.

Ўн беш ўспирин сайрга кетди.

- а) ўспирин кетди б) Ўн беш ўспирин
в) Ўъ беш кетди г) Ўн беш бола

№ 13. Қуйидаги ажратилган сўзни гапдаги вазифасини аниқланг.

Биз даладан жуда кеч қайтдик.

- а) тўлдирувчи б) ҳол
в) эга г) кесим

№ 14. Воситали тўлдирувчини кўрсатинг.

- а) китобни б) Раҳим
в) даладан г) онам учун

№ 15. Микдор холини кўрсатинг.

- а) анча б) эрталаб
в) касаллигидан г) ўртада

№ 16. Бош бўлақлардан иборат уюшиқ бўлақли гапни аниқланг.

- а) Тўтиқиз бир Дилшодга, бир холасига қаради.
- б) Ўша кунлар ҳеч эсдан чиқмайди.
- в) Гулзорлардан, боғлардан ўтдик.
- г) Гулой, Тўти, Қумрилар тўйга кетишди.

№ 17. Ундалма қатнашган гапни аниқланг.

- а) Хайрият, йиғиб-териб олишди.
- б) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпландилар.
- в) Бугун, соат бешда, мажлис бўлади.
- г) Иссиққўл! Қирғиз диёрининг сўнмас кўшиғи.

№ 18. Феълларнинг шахс-сонини аниқланг.

Бу ёнаётган тошларни қаердан топдингиз?

- а) I шахс, бирлик
- б) I шахс, кўплик
- в) II шахс, бирлик
- г) III шахс, бирлик

№ 19. Қуйидаги гапда ги гап бўлақлари тартибини ўзгариши қайси бўлақларга оид?

Тарихингдур минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим.

- а) эга ва кесимга оид
- б) аниқловчи ва ҳолга оид
- в) ҳол ва кесимга оид
- г) аниқловчи ва аниқланмишга оид

№ 20. Ишоравий белги нотўғри қўйилган гапни аниқланг.

- а) Бугун, соат учда, меҳмонлар келишади.
- б) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпландилар.
- в) Қишлоқдан бир қир нарида - беҳисоб қизғалдоқлар далани кизартириб турган жойда, Хулкар ўт ўрарди.
- г) Унинг Ҳолбек деган дўсти - чаккасида данақдай холи бор бола - бир кун Авазни бошлади.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»